САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ, ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ, ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМОНОВ МАЪРУФ АБДУХОЛИКОВИЧ

ЮҚОРИ МАҲСУЛДОР СИГИРЛАРНИНГ АЛИМЕНТАР БЕПУШТЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ВИТАМИН-МИНЕРАЛЛИ ОЗУҚАВИЙ АРАЛАШМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

16.00.01 - Ҳайвонлар касалликлари диагностикаси, терапияси ва хирургияси

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

УЎК: 636.2:616:618

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по ветеринарным наукам

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Сулаймонов Маъруф Абдухоликович
Юқори маҳсулдор сигирларнинг алиментар бепуштликларини олдини олишда витамин-минералли озуқавий аралашмаларни қўллаш..... 3

Сулаймонов Маъруф Абдухоликович
Применение витамино-минеральных кормовых премиксов в профилактике алиментарного бесплодия у высокопродуктивных коров..... 23

Sulaymonov Maruf Abdukholikovich
The using of vitamin and mineral nutritional supplements for the prevention of alimentar infertility in highly productive cows..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…...……..……..... 45

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ, ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ, ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМОНОВ МАЪРУФ АБДУХОЛИКОВИЧ

ЮҚОРИ МАҲСУЛДОР СИГИРЛАРНИНГ АЛИМЕНТАР БЕПУШТЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ВИТАМИН-МИНЕРАЛЛИ ОЗУҚАВИЙ АРАЛАШМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

16.00.01 - Ҳайвонлар касалликлари диагностикаси, терапияси ва хирургияси

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/V11 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида **(**www.ssuv.uz**)** ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Норбоев Қурбон Норбоевич** ветеринария фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Салимов Юнус** ветеринария фанлари доктори, доцент
	Турсагатов Жаҳонгир Маматович ветеринария фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Ветеринария илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «____» _____ соат «____» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2022 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги №_____ - рақамли реестр баённомаси)

Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, биол.ф.д., профессор

Ш.Х.Қурбанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, вет.ф.н., доцент

А.С.Даминов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг кўпчилик давлатларида юқори маҳсулдор сигирлар орасида витамин-минерал моддалар алмашинуви бузилиши натижасида келиб чиқадиган алиментар бепуштликлар ўртача «20-25 фоизни ташкил этиб, уларда репродуктив органлар фаолиятининг сусайиши, эксплуатация муддатининг қисқаришига сабаб бўлмоқда»[1]. Ҳайвонлар организмининг тўйимли ва биологик фаол моддаларга нисбатан эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилмаслиги уларда моддалар алмашинуви бузилиши касалликларининг ривожланиши, маҳсулдорликнинг камайиши, сервис даврининг узайиши ва алиментар бепуштликларга сабаб бўлади. Мустақиллик йилларида Республикамизга хорижий давлатлардан юқори маҳсулдор зотли қорамоллар олиб келиниб парваришланмоқда. Ушбу сигирларни озиқлантиришда уларнинг ёши, физиологик ҳолати, маҳсулдорлик даражаси, сут бериш ва бўғозлик даврлари ҳисобга олинмаслиги оқибатида, хусусан силос-концентрат типдаги меъёрлаштирилмаган ва тўйимлилиги паст рационларда боқиш уларда витамин-минерал алмашинуви бузилишлари патологиясининг турли хил шаклларда кечиши, жинсий органларни яхши ривожланмаслиги, тухумдонлар гипофункцияси, фолликуляр киста ҳосил бўлиши, бачадон атонияси, субинволюцияси ҳамда алиментар бепуштликларга сабаб бўлиши кузатилмоқда. Натижада мазкур патологияга қарши курашишда умумий ташхис усуллари ва гуруҳли профилактик тадбирларини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Дунё миқёсида қорамолларда учрайдиган юқумсиз характердаги патологиялар, жумладан алиментар бепуштликлар пайтида улар организмида бўладиган ўзгаришлар, касалликнинг этиологияси, клиник белгилари, патогенезини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлигига қарамасдан уларда касалликни барвақт диагностика қилиш ҳамда гуруҳли профилактика усуллари етарлича илмий асосланмаган. Бу борада юқори маҳсулдор сигирлардаги алиментар бепуштликларнинг этиологияси, кечиш хусусиятлари, патогенези ва симптомларини аниқлаш, эртачи ташҳис усуллари ҳамда самарали даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Республикамиз аҳолисининг экологик тоза ва сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда кооперация усулида гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада маҳсулдор сигирларда витамин-минерал моддалар алмашинуви бузилишлари натижасида юзага келадиган алиментар бепуштликларни иқтисодий зарари, сабаблари, уларнинг келиб чиқишида алиментар омилларнинг аҳамияти, ривожланиш механизмлари, эртачи аниқлаш

[1] Яхаев И.М. Профилактика алиментарного бесплодия коров с использованием хелатсодержащих препаратов. Дисс. канд. вет.наук. Москва. 2020. 109 с.

усулларини ўрганиш, касалликни даволаш ва олдини олишнинг замонавий такомиллашган услуб ва воситаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги[2], 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпчилик хорижлик олимлар жумладан, П.Красочка, М.Якубовский, Н.Елеугалиева, И.Джакулов, А.П.Студенцов, А.М.Воронов, С.А.Власов, Ф.Сунагатулин, Н.Бауман, Д.Горшенина, Ю.М.Серебряков, В.П.Дегтярев, С.В.Федотов ва И.М.Яхаевлар маҳсулдор сигирларда диспансерлаш асосида оқсил-углевод-липид ва витамин-микроэлементлар алмашинуви бузилишлари оқибатидаги бепуштликларнинг сабабларини аниқлаш, эртачи диагностика ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Республикамиз олимларидан Қ.Н.Норбоев, Б.Бакиров, М.Б.Сафаров, О.Кулдошев, Б.Муртазин, А.Рахмонов, Ш.Амиров ва Б.М.Эшбуриевлар томонидан сигирлардаги алиментар бепуштликларнинг сабаблари ва кечиш хусусиятлари, ташҳис усуллари ва олдини олиш чора-тадбирлари ўрганилган.

Илмий манбалар маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирги кунгача республикамизнинг қорамолчилик фермер хўжаликлари шароитида хорижий мамлакатлардан олиб келинган юқори маҳсулдор зотли сигирларда алиментар бепуштликларнинг этиопатогенези, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари етарлича асосланмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти (ҳозирги Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги[2] ПФ-60-сонли фармони.

университети)нинг №ҚХА-9-115 «Ўзбекистоннинг қорамолчилик фермер хўжаликларида сигирларда модда алмашинуви бузилишлари ва бепуштликни профилактика қилишнинг самарали услуб ва воситаларини яратиш» (2012-2014 йй.) ва №ҚХА-9-039-1-2015 «Бузоқлар юқумсиз касалликларининг этиопатогенези, уларни даволаш ва олдини олишнинг услуб ва воситаларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори маҳсулдор сигирларда алиментар бепуштликларнинг этиологияси, иқтисодий зарари, симптомлари, эртачи ташхис қўйиш усулларини ўрганиш ҳамда олдини олишда витамин-минералли озуқавий аралашмаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Самарқанд вилоятининг қорамолчилик хўжаликлари шароитидаги хориждан келтирилган юқори маҳсулдор сигирларда алиментар бепуштликнинг тарқалиши ва иқтисодий зарарини аниқлаш;

юқори маҳсулдор сигирлардаги алиментар бепуштликларнинг кечиш хусусиятлари ва сабабларини аниқлаш;

соғиндан чиқарилган сигирларнинг клиник-физиологик ва гематологик кўрсаткичларини аниқлаш;

сигирларнинг кўпайиш хусусиятларини (жинсий циклнинг кечиши, оталаниш даражаси, туғилган бузоқларнинг вазни) аниқлаш;

сигирларнинг алиментар бепуштликларида кузатиладиган айрим гормонал ўзгаришларни аниқлаш;

маҳсулдор сигирларда алиментар бепуштликларни олдини олишда витамин ва минерал моддалар билан бойитилган гранула шаклидаги омухта ем ҳамда Овариотропин препаратини қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Самарқанд вилоятининг қорамолчилик фермер хўжаликлари шароитидаги гольштинлаштирилган қора-ола зотли сигирлар, улардан олинган қон намуналари, сигирлар рациони таркибига кирувчи озуқа намуналари, монокальцийфосфат, Introvit A+WS, витаминли гормонал препарат-Овариотропин , витамин ва минерал моддалар билан бойитилган гранула шаклидаги омухта ем.

Тадқиқотнинг предмети. Тажриба ўтказилган қорамолчилик фермаларнинг пода синдроматикаси кўрсаткичлари, сигирларнинг клиник, гематологик ва репродуктив кўрсаткичлари, витаминли гормонал препарат-Овариотропин , витаминли-минералли премикслар билан бойитилган гранула шаклидаги омухта ем ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда клиник, морфологик, биокимёвий, рефрактометрик, микроскопик, атомли-абсорбцион спектрофотометрик, сигирларда буғозликни аниқлашда УТТ ҳамда экспресс – тест (COWTEST) усулларидан ва озиқа намуналарини зоотехникавий таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилоятининг қорамолчилик хўжаликлари шароитидаги маҳсулдор сигирларда алиментар бепуштликларнинг клиник-биокимёвий статуси аниқланган;

маҳсулдор сигирларда бепуштликларнинг этиологияси алиментар характерга эга эканлиги ва қондаги гемоглобин, глюкоза, умумий кальций, анорганик фосфор, кобальт, марганец, рух миқдорининг камайиши билан кечиши тажрибаларда исботланган;

сигирларда бўғозликни 15-кунидан бошлаб аниқлашнинг экспресс-тест усули такомиллаштирилган;

маҳсулдор сигирларда алиментар бепуштликларни олдини олиш учун Овариотропин гормонол – витаминли препаратини 4,5 мл/100 кг миқдорда қўллаш усули ишлаб чиқилган;

гранула шаклидаги бойитилган омухта емнинг сигирлар организмига ва маҳсулдорлик кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши ҳамда уруғланиш самарадорлигини 86,64 фоизгача ошириши тажрибаларда исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори маҳсулдор сигирларда алиментар бепуштликларни диспансерлаш асосида барвақт диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

алиментар бепуштликларнинг асосий сабаблари уларнинг рационининг такомиллашмаганлиги, таркиби ва тўйимлилиги бўйича сигирлар эҳтиёжини тўлиқ қондирилмаслиги аниқланган;

сигирларда бўғозликни турли муддатларда аниқлаш учун прогестерон миқдорини текшириш ҳамда УТТ ва экспресс – тест (COWTEST) усулларидан фойдаланиш тавсия этилган;

фермер хўжаликларидаги сигирларнинг 50-60 фоизида шиллиқ пардаларнинг оқариши, иштаҳанинг ўзгариши (лизуха), юрак уриши ва нафас сонининг тезлашиши, катта қорин қисқаришлари сонининг камайиши, бўйин ва кўзлар атрофида жунларнинг тушиши, ҳурпайиши ва ялтироқлигининг пасайиши, куйга келган сигирларда жинсий рефлексларнинг суст намоён бўлиши каби алиментар бепушликларга хос клиник белгилар билан кечиши аниқланган;

сигирларда алиментар бепуштликларни монокальцийфосфат, Introvit A+WS препаратлари билан бойитилган гранула шаклидаги омухта емни киритиш орқали рационни такомиллаштириш, сигирларда куйикишни стимуллаш мақсадида Овариотропин гармонол – витаминли препаратини 4,5 мл/100 кг миқдорда қўллаш усуллари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, клиник, биокимёвий, морфологик, зоотехникавий усуллардан фойдаланиб бошланғич маълумотларга ишлов берилганлиги, шунингдек олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар

билан таққосланганлиги, лаборатория ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги ва изланиш натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, юқори маҳсулдор сигирларда алиментар бепуштликлар ҳайвонлар организмида витамин-минерал моддалар алмашинувининг бузилишлари натижасида келиб чиқиши, олинган клиник, гематологик, акушер-гинекологик текшириш натижалари, сигирлар рационига витамин ва минераллар билан бойитилган гранула шаклидаги омухта емни киритилиши, қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичлари, сигирларнинг маҳсулдорлиги, бузоқларнинг туғилгандаги тана вазни ва кунлик ўсишига ижобий таъсир этиши бўйича олинган маълумотлар клиник диагностика ва ҳайвонларнинг ички юқумсиз касалликлари фанларининг илмий жиҳатларини такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, сигирларда алиментар бепуштликларнинг эртачи диагностика қилиш ва гуруҳли профилактик даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилганлиги, тадқиқотлар натижасида юқори маҳсулдор сигирларда алиментар бепуштликларнинг олдини олиш бўйича илмий асосланган тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори маҳсулдор сигирларнинг алиментар бепуштликларини олдини олишда витамин-минералли озуқавий аралашмаларни қўллаш бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

«Юқори маҳсулдор сигирларда алиментар бепуштликларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар» тасдиқланган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 25 октябрдаги №02/23-342-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиялар асосида витамин ва минерал моддалар билан бойитилган гранула шаклидаги омухта емнинг берилиши ва Овариотропин препаратининг қўлланилиши сигирларда репродуктив хусусиятларнинг яхшиланиши, сут маҳсулдорлигининг ўртача 30-40% га ошиши, улардан туғилган бузоқларнинг ҳаётчанлиги юқори ва соғлом бўлишига эришиш имконини берган;

Самарқанд вилоятининг қорамолчилик фермер хўжаликларида сигирларнинг алиментар бепуштликларини олдини олиш учун уларнинг рационига 0,84% монокальцийфосфат ва 0,042% Introvit A+WS қўшиб тайёрланган бойитилган гранула шаклидаги омухта емни 1 кг/100 кг тана вазни ҳисобида 90 кун давомида бериш усули ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 25 октябрдаги №02/23-342-сон маълумотномаси). Бунда сигирлар организмида витамин ва минерал моддалар алмашинуви даражасининг физиологик меъёрлар даражасида яхшиланиши ҳамда алиментар бепуштликларнинг олдини олишда 86,64% самарадорликка эришилган.

Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани «Мустафоқул полвон даласи» ва Жомбой туманидаги «Дона бобо» қорамолчилик хўжаликларидаги юқори маҳсулдор сигирларнинг сервис даври 60 кундан ўтганларига Овариотропин гормонол – витаминли препаратини 4,5 мл/100 кг миқдорда қўллаш усули ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 25 октябрдаги №02/23-342-сон маълумотномаси). Натижада маҳсулдор сигирларда жинсий циклнинг тўлиқ кузатилишига ҳамда куйикишнинг 93,33% бўлишига эришилган, бунда иқтисодий самара 1 бош сигир учун сарфланган 1 сўм ҳисобига олинган фойда ўртача 15,0 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича жами 6 та, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **«Кириш»** қисмида ўтказилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари, тадқиқотнинг объекти, тадқиқотнинг илмий янгиликлари, тадқиқотнинг услублари, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг апробацияси тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган мақолалар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг **«Юқори маҳсулдор сигирларда бепуштликларнинг тарқалиши, сабаблари, иқтисодий зарари, синдромлари, диагностикаси ва олдини олиш усулларига оид адабиётлар таҳлили»** деб номланган биринчи бобида дунёнинг турли мамлакатларида ва мамлакатимизни турли ҳудудларида сигирларда бепуштликларнинг тарқалиши сабаблари ва иқтисодий зарарини ўрганиш учун олимлар томонидан тадқиқотлар ўтказилганлиги келтирилган. «Сигирларда алиментар бепуштликларнинг этиопатогенезида витамин-минерал моддалар алмашинувининг аҳамияти» деб номланган иккинчи қисмида дунёнинг турли ҳудудларидаги ва республикамиз илмий тадқиқочилари томонидан бажарилган илмий ишларида касалликларни келиб чиқиш сабаблари

ўрганилган. «Юқори маҳсулдор сигирларда алиментар бепуштликларнинг синдромлари ва диагностикаси» деб номланган учинчи қисмида алиментар бепуштликларнинг синдромлари ва диагностикаси тўғрисидаги маълумотлар тадқиқотларда кенг ёритилган. «Юқори маҳсулдор сигирларда алиментар бепуштликларни олдини олиш усуллари» деб номланган тўртинчи қисмида алиментар бепуштликларни олдини олиш усуллари ҳақидаги адабиёт маълумотлари баён этилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотлар материаллари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқот ишларимизнинг экспериментал қисми 2014-2021 йиллар давомида Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани «Мустафоқул полвон даласи» (1-хўжалик), Жомбой туманидаги «Дона бобо» (2-хўжалик) ва Пастдарғом туманидаги ВСС «Саттор бобо» (3-хўжалик) қорамолчилик фермер хўжаликларида бажарилди. Диспансер тадқиқотлар ўтказиш учун хўжаликлардаги голштинфриз зотли 3-4 ёшли сигирлардан «ўхшаш жуфтликлар» тамойили асосида эталон гуруҳ сифатида 10 бош сигир ажратилиб, уларда ҳар 20 кунда бир марта клиник-физиологик статус, акушер-гинекологик ва қоннинг айрим морфобиокимёвий кўрсаткичлари бўйича текширишлар олиб борилди.

Четдан келтирилган сигирларда алиментар бепуштликларни гуруҳли профилактик даволаш услуб ва воситаларини танлаш, уларнинг сигирлар организмига таъсирини ўрганиш ва гуруҳли профилактик тадбирларни ўтказишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мақсадида 3 босқичда илмий ва илмий-хўжалик тажрибалари ўтказилди.

Диссертациянинг **«Фермер хўжаликлари шароитида маҳсулдор сигирларни диспансерлаш натижалари»** деб номланган учинчи бобида қорамолчилик фермер хўжаликларида диспансер текширишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Қорамолчилик фермер хўжаликларидаги сигирларнинг озиқа рациони таҳлилига кўра рацион таркибининг 5,19 фоизини беда пичани, 5,19 фоизини қанд лавлаги, 64,9 фоизини макка силоси, 12,9 фоизини буғдой сомони, 3,63 фоизини макка дони, 5,19 фоизини буғдой дони ва 2,59 фоизини пахта шроти ташкил этади. Рационнинг умумий тўйимлилиги 12,552 озиқа бирлигини ташкил этиб, озиқлантириш меъёрларига нисбатан ҳазмланувчи протеинни 33,8 г, қандни – 629 г, кальцийни - 4,3 г, фосфорни – 23,22 г, каротинни – 197,48 мг га етишмаслиги аниқланди.

Соғин сигирлар организми эҳтиёжларининг қондирилиши рациондаги ҳазмланувчи протеин бўйича – 97,5 фоиз, қанд – 48,6 фоиз, каротин – 68,1 фоиз, кальций – 95,5 фоиз, фосфор – 66,2 фоиз ва хом клетчаткага нисбатан 106,4 фоизни ташкил этди. Рационнинг углеводли қисми қанднинг танқислиги билан тавсифланади. Шунингдек, рационнинг оқсилли ва энергетик қисмларининг ҳам бир-бирига номутаносиблиги аниқланди, яъни рациондаги қанд-оқсил нисбати меъёрдаги 0,8:1 ўрнига 0,44:1 ни ташкил этди.

Соғин сигирлар рационидаги каротиннинг миқдори меъёрдаги 610 мг ўрнига 422,52 мг ни ташкил этди.

Рационнинг минерал таркибини таҳлил қилиш натижаларига кўра, ундаги кальцийнинг физиологик меъёрларга нисбатан 4,3 г., фосфорни 23,22 граммга камлиги маълум бўлди. Соғин сигирлар организмининг кальций билан таъминланиши 95,5 фоиз, фосфор билан таъминланиши эса 66,2 фоизни, фосфорнинг кальцийга нисбати меъёрдаги 1:2 ўрнига 0,49:2 ни ташкил этди.

Соғин сигирлар рационини таҳлил қилиш билан, рационнинг силос-концентрат типда эканлиги, унда пичанларнинг етишмаслиги ва силос таркибида мой кислотасининг рухсат этиладиган миқдорлардан ортиқчалиги, қанд-оқсил нисбати ва фосфор-кальций нисбатларининг меъёр кўрсаткичларига мос келмаслиги, рацион таркиби ва тўйимлилиги бўйича тана массаси 450-500 кг бўлган ва сут маҳсулдорлиги ўртача 18 кг бўлган сигирлар организмининг эҳтиёжини тўлиқ қондирмаслиги аниқланди.

Сигирларда клиник текширишлар (1-хўжалик) натижаларига кўра иштаҳанинг пасайиши, 50 фоиз ҳайвонларда терининг қуруқлаши, эластиклигининг пасайиши, тери қопламасини тушиши, ҳурпайиши, ялтироқлигининг пасайиши, 40 фоизида кўзга кўринадиган шиллиқ пардаларнинг оқариши, ташқи таъсиротларга жавоб реакциясининг пасайиши кузатилди. Бу хўжаликда диспансер тадқиқотлар даврида сигирларда витамин ва минерал моддалар алмашинуви бузилишларига хос клиник белгилар кузатилди.

Куйга келган сигирларда жинсий рефлексларнинг суст намоён бўлиши кузатилди. Бу кўрсаткичлар ҳайвонлар организмида бир вақтнинг ўзида бир нечта минерал моддалар ҳамда витаминлар алмашинувининг бузилиши ва натижада алиментар характердаги бепуштликлар кузатилишидан далолат беради.

Сигирларнинг бўғозлиги ва жинсий аъзолари ҳолатини аниқлаш мақсадида тўғри ичак орқали пайпаслаш усули ёрдамида текширилганда, кўпчилик ҳайвонларда бачадон атонияси ва субинволюциясига хос белгилар (кучсиз қисқариши, катталашганлиги, суюқликларнинг флюктуацияси), тухумдонларда сўрилмай қолган сариқ тана аниқланди.

COWTEST экспресс-тест усули сигирларда бўғозликни 15 кунликдан бошлаб, ультратовушли сканер диагностик аппарати 25 кунликдан бошлаб аниқлаб беради. Ушбу аппарат ёрдамида хўжаликда диагностик текширувлар олиб борилганда, 10 бош сигирнинг 7 боши бепушт эканлиги ва қолган 3 бош сигирда 2 ва 3 ойлик бўғозлик аниқланди.

Сигирларни ректал текширганда тухумдонларнинг бироз кичрайганлиги ва қотганлиги, фолликулаларнинг тўлиқ етилмаганлиги, 30-35% сигирларда сўрилмай қолган сариқ тана борлиги аниқланди.

Мустафоқул полвон даласи (1-хўжалик) ва Жомбой туманидаги «Дона бобо» (2-хўжалик) фермер хўжаликларидаги сигирлар қонидаги эритроцитлар сони текширишлар бошида, (1-хўжалик) 5,26±2,6 млн/мкл, (2-хўжалик) ўртача 5,38±1,21 млн/мкл ни (меъёр 5,0-7,5 млн/мкл) ташкил этган бўлса,

текширишларнинг охирига келиб, бу кўрсаткичнинг шунга мос равишда ўртача 4,86±1,46 млн/мкл ва 4,92±1,19 млн/мкл гача камайиши қайд этилди. Текширишларнинг охирига келиб гемоглобин концентрациясининг 1-хўжаликда 92,4±1,74 г/л дан 78,8±2,42 г/л гача 2-хўжаликда 88,5±2,24 г/л дан 82,4±1,18 г/л гача камайиши (меъёр 99-129 г/л) кузатилди (1-расм).

Сигирлар қонидаги глюкозанинг миқдори текширишлар бошида (1-хўжаликда) ўртача 2,18±0,06 ммоль/л ни (2-хўжаликда) 2,23±0,05 ммоль/л ни ташкил этди. Тадқиқотлар давомида бу кўрсаткич камайиб бориб, текширишлар охирида шунга мос равишда яъни текширишларнинг 60- кунида ўртача 1,94±0,05 ммоль/л ва 1,64±0,05 ммоль/л ни ташкил этди. Қондаги глюкоза миқдорининг текширишлар давомида камайиб боришини сут бериш даврида сигирларнинг энергияга нисбатан эҳтиёжларини қондирилиш даражасининг пастлиги билан изоҳлаш мумкин.



1-расм. Сигирларнинг гематологик кўрсаткичлари

Қон зардобидаги умумий оқсил миқдори 1-хўжаликда текширишларнинг бошида ўртача 69,2±2,10 г/л га 2-хўжаликда ўртача 69,8±2,08 г/л га тенг бўлиши, текширишларнинг охирига келиб бу кўрсаткичнинг шунга мос ҳолда ўртача 62,8±2,14 г/л ва 63,6±2,12 г/л гача камайганлиги аниқланди.

Биринчи хўжаликдаги соғин сигирларнинг қон зардобидаги ишқорий заҳира миқдори текширишларнинг бошида ўртача 48,8±3,21 ҳажм%CO_2 ни ташкил этган бўлса, иккинчи хўжаликда ўртача 46,3±3,17 ҳажм%CO_2 ни текширишларнинг охирига келиб (60- куни) мос равишда ўртача 42,0±2,34 ҳажм%CO_2 ва 42,7±2,14 ҳажм%CO_2 гача камайиши қайд этилди. Соғин сигирлар қонидаги ишқорий моддалар миқдорининг камайиши улар организмида ацидоз ҳолатининг борлигидан далолат беради (2-расм).

Тажриба ҳайвонларининг организмида минераллар алмашинувининг даражаси ўрганилганда макро ва микроэлементлар меъёрий кўрсаткичларга нисбатан кам эканлиги маълум бўлди.

Биринчи хўжаликдаги соғин сигирларда қон зардобидаги умумий кальций миқдори ўртача 2,67±0,05 ммоль/л (меъёр 2,5-3,13 ммоль/л) ни ташкил этган бўлса, текширишларнинг охирига келиб ўртача 2,48±0,04 ммоль/л, 2-хўжаликда шунга мос равишда ўртача 2,68±0,03 ммоль/л ва 2,33±0,03 ммоль/л гача камайиши кузатилди. Анорганик фосфор миқдори 1-хўжаликда текширишларнинг бошида ўртача 1,58±0,06 ммоль/л, иккинчи хўжаликда ўртача 1,57±0,09 ммоль/л ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич текширишлар охирига келиб шунга мос равишда ўртача 1,38±0,06 ммоль/л ва 1,31±0,09 ммоль/л гача камайиб бориши аниқланди.



2-расм. Сигирларнинг гематологик кўрсаткичлари

1-хўжаликда текширишларнинг бошида сигирлар қонидаги кобальт микроэлементининг миқдори ўртача 0,56±0,03 мкмоль/л, 2- хўжаликда ўртача 0,53±0,03 мкмоль/л ни ташкил этиб, текширишларнинг охирига келиб бу кўрсаткич шунга мос равишда 0,37±0,03 мкмоль/л ва 0,42±0,05 мкмоль/л гача камайиши, марганецни 1-хўжаликдаги сигирлар қонида ўртача 2,62±0,05 мкмоль/л дан 2,46±0,04 мкмоль/л гача ва 2-хўжаликдаги сигирларда 2,62±0,7 мкмоль/л дан 2,35±0,07 мкмоль/л гача, рухни шунга мос равишда ўртача 44,2±2,12 мкмоль/л дан 32,9±2,24 мкмоль/лни ташкил этиши ва текширишлар охирига келиб 46,7±2,18 мкмоль/л дан 35,6±2,18 мкмоль/л гача камайиши кузатилди.

Диссертациянинг **«Юқори маҳсулдор сигирларда алиментар бепуштликларнинг олдини олиш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари»** деб номланган учинчи бобида сигирларда алиментар

бепуштликларнинг олдини олиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган.

Биринчи босқич тажрибалар учун «Мустафоқул полвон даласи» фермер хўжалигидаги голштинфриз зотли 3-4 ёшли соғин сигирлардан 15 бош «ўхшаш жуфтликлар» тамойили асосида ажратилиб, ҳар бирида 5 бошдан сигирлар бўлган учта гуруҳ тузилиб, биринчи ва иккинчи гуруҳлар тажриба, учунчи гуруҳ назорат сифатида белгиланди. Тажрибаларни бошлашдан олдин ва ҳар 30 кунда бир марта клиник, гематологик ва акушер-гинекологик текширишлар ўтказилди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирлар хўжалик рационига қўшимча равишда бир кунда бир бошга1,2 г калий йодид, 32 мг кобальт хлорид, 70 мг рух сульфат, 50 г манокальцийфосфат омухта емларга аралаштириб 60 кун давомида берилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирларга рационига қўшимча равишда бир кунда бир бошга 50г монокальцийфосфат, 5г Introvit A+WS омухта емларга аралаштириб 60 кун давомида берилди. Introvit A+WS препарати сигираларга ҳар 5 кун давомида берилиб, кейинги 5 кунда берилмади. Демак, тажрибалар давомида сигирлар 30 кун Introvit A+WS препаратини қабул қилишди. Назорат гуруҳидаги сигирлар фақат хўжалик рационида озиқлантирилди.

Тажрибаларнинг бошида барча тажриба ва назорат гуруҳларидаги сигирларда қуйидаги клиник-физиологик кўрсаткичлар аниқланди: семизлик даражасини ўртадан пастлиги, тери қопламасини ялтироқлиги ва тери эластиклигининг пасайиши, иштаҳанинг ўзгариши, шиллиқ пардаларнинг оқариши, айрим сигирларда охирги дум умуртқаларининг сўрилиши, кесувчи тишлар ва шох ўсимталарининг қимирлаб қолиши, умуртқа поғонасининг деформацияси (лордоз) думғаза атрофининг чўкиши каби белгилар намоён бўлди. Уларда алиментар характердаги бепуштликларга хос клиник белгилар сервис даврининг узайиши, анофродизия, жинсий циклнинг бузилиши (жинсий куйикишнинг кузатилмаслиги) оталаниш даражасининг пастлиги ва бачадон субинволюцияси билан кузатилди. Тажрибаларнинг охирига келиб биринчи ва иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирларга нисбатан назорат гуруҳидаги сигирларда олдинги клиник-физологик кўрсаткичларга қўшимча равишда ташқи таъсиротларга бефарқлик, иштаҳанинг пасайиши, кавш қайтаришнинг сийраклашиши ва ошқозон олди бўлимлари қисқаришларининг камайиши, кўз ва лаблар атрофида, бўйин терисида тери қопламасининг сийраклашиши ва пигментсизланиши, шох ва туёқлар ялтироқлигининг пасайиши каби минераллар ва витаминлар алмашинуви бузилишларига хос клиник белгилари қайд этилди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларнинг бир дақиқадаги юрак уриши сони ўртача 74,6±2,5 мартани ташкил этган бўлса, тажрибаларнинг охирига келиб 69,4±2,4 мартагача, 1 дақиқадаги нафас сонини 27,6±2,3 мартадан 24,3±2,5 мартагача сийраклашиши ва катта қорин деворининг 5 дақиқадаги ҳаракатини 5,4±0,4 мартадан 8,4±0,8 мартагача (меъёр 5 дақиқада 8-12 марта) кўпайиши қайд этилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирларда тажрибаларнинг бошида тана ҳарорати ўртача 38,3±0,04°С ни ташкил этган бўлса, тажрибаларнинг охирига келиб ўртача 38,7±0,04°С га тенг бўлди. Бир дақиқадаги юрак уриш сони ўртача 74,5±2,5 мартани ташкил этган бўлса, тажрибаларнинг охирига келиб ўртача 65,4±2,4 мартагача, 1 дақиқадаги нафас сонини 27,6±2,3 мартадан 21,3±2,5 мартагача сийраклашиши ва катта қорин деворининг 5 дақиқадаги ҳаракатини 5,5±0,5 мартадан 10,4±0,8 мартагача (меъёр 5 дақиқада 8-12 марта) кўпайиши қайд этилди.

Назорат гуруҳидаги сигирларда эса клиник кўрсаткичларни тажрибаларнинг охиригача ёмонлашиб бориши қайд этилди. Бу гуруҳдаги ҳайвонларда тажрибалар охирига келиб, бир дақиқадаги юрак уриши ўртача 77,5±3,2, нафас сонини шунга мос равишда 27,6±3,2 мартагача ортиши, 5 дақиқадаги катта қорин девори ҳаракатининг ўртача 4,6±0,5 мартагача камайиши ва шунингдек, алиментар бепуштликлар учун характерли бўлган клиник белгиларнинг кузатилиши қайд этилди.

Тажрибадаги соғин сигирлар қонининг айрим морфобиокимёвий кўрсаткичлари тажрибаларни бошлашдан олдин ҳамма гуруҳларда ўхшаш кўрсаткичлар билан характерланган бўлса, назорат гуруҳидаги соғин сигирларда бу кўрсаткичларни тажрибаларнинг охиригача ёмонлашиб бориши, тажриба гуруҳидаги сигирларда эса гематологик кўрсаткичларнинг физиологик меъёрлар чегарасида яхшиланиб бориши қайд этилди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда гематологик кўрсаткичлар дастлабки кўрсаткичларга нисбатан яхшиланиб борди, яъни қондаги эритроцитлар сонининг ўртача 4,9±1,4 млн/мкл дан 5,24±1,1 млн/мкл гача, гемоглобинни – 89,6±1,15 г/л дан 101,8±2,18 г/л гача, глюкозани – 1,79±0,09 ммоль/л дан 2,24±0,08 ммоль/л гача, умумий оқсилни – 69,4±1,34 г/л дан 72,1±0,88 г/л гача, ишқорий заҳирани – 46,5±1,18ҳажм%$C0_2$ дан 47,8±1,19 ҳажм %$C0_2$ гача кўпайиши қайд этилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирларда қоннинг кўрсаткичлари дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ижобий томонга ўзгариб борди, яъни қондаги эритроцитлар сонининг ўртача 4,9±1,5 млн/мкл дан 5,64±1,3 млн/мкл гача, гемоглобинни – 88,5±1,17 г/л дан 106,8±2,15 г/л гача, глюкозани – 1,77±0,08 ммоль/л дан 2,54±0,08 ммоль/л гача, умумий оқсилни – 68,4±1,32 г/л дан 74,1±0,86 г/л гача, ишқорий заҳирани – 46,3±1,18 ҳажм%$C0_2$ дан 48,9±1,18 ҳажм%$C0_2$ гача кўпайиши қайд этилди. Қондаги морфобиокимёвий кўрсаткичларининг физиологик меъёрлар чегарасида яхшиланиб боришини қўлланилган препаратларнинг сигирларда модда алмашинувлари ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиши билан изоҳлаймиз.

Назорат гуруҳидаги соғин сигирларда тажрибалар давомида қондаги эритроцитлар сонининг ўртача – 0,51 млн/мкл, гемоглобинни – 3,2 г/л, глюкозани – 0,19 ммоль/л, умумий оқсилни – 2,4 г/л, ишқорий заҳирани – 1,6 ҳажм%$C0_2$ га камайиши қайд этилди. Бу гуруҳдаги соғин сигирларда қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичларининг салбий томонга ўзгаришини лактация даврида ҳайвонлар организмида витаминлар ва минерал моддаларнинг

етишмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда туққандан кейин 60-кунга келиб, 5 бош сигирдан 3 таси, иккинчи тажриба гуруҳидаги 5 бош сигирларнинг 4 боши, назорат гуруҳидаги 5 бош сигирларнинг 2 боши уруғланганлиги аниқланди.

Соғин сигирларда витамин ва минерал моддалар алмашинуви бузилишлари оқибатидаги бепуштликларни олдини олиш мақсадида сигирлар рационига қўшимча равишда бир кунда бир бошга 50 г монокальцийфосфат ва 5 кун давомида 5 кун танаффус билан 5 г Introvit A+WS омухта емларга аралаштириб 60 кун давомида берилиши уларда клиник–физиологик статусни ва қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичларини меъёрлар чегарасида яхшиланишини ҳамда сигирларда оталаниш фоизининг 40% га ортишини таъминлайди.

Юқори маҳсулдор сигирларда витамин-минерал моддалар алмашинуви натижасида ривожланган алиментар бепуштликларни гуруҳли профилактика қилиш бўйича ўтказилган биринчи босқич тажрибаларда иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирларда қўлланилган профилактик воситаларни сигирлар организмига самарали таъсир этганлиги аниқланди.

Юқори маҳсулдор сигирларда витамин-минерал моддалар алмашинуви бузилиши натижасида келиб чиқадиган алиментар бепуштликларни олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш ва сигирларни куйга келишини тезлаштириш, пуштдорликни ошириш, соғлом бузоқ олиш мақсадида Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги «Мустафоқул полвон даласи» қорамолчилик фермер хўжалигида илмий хўжалик тажрибалари ўтказилди.

Тажрибалар учун ҳар бирида 10 бошдан 30 бош голштинлаштирилган соғиндан ажратилган сигирлар олиниб, улар учта гуруҳга ажратилди. Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирлар рационига қўшимча равишда бир бошга 50 г монокальцийфосфат, 5 г Introvit A+WS препаратидан 5 кун давомида 5 кун танаффус билан 60 кун давомида берилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги соғин сигирларга бир кунда бир бошга 50 г монокальцийфосфат, 5 г Introvit A+WS препаратидан 5 кун давомида 5 кун танаффус билан 60 кун давомида берилди. Бу гуруҳдаги сигирларнинг куйга келиши туққандан кейин 60 кун давомида назорат қилинди ва шу муддатда куйга келмаган сигирларга «Овариотропин » препаратидан бир бошга 20 мл мускул орасига инъекция қилинди. Назорат гуруҳидаги сигирлар фақат хўжалик рационида озиқлантирилди.

Тажрибалар давомида сигирлар ҳар 30 кунда бир марта клиник, гематологик ва акушер-гинекологик текширишлардан ўтказилди.

